## «...ҲЕ... БРАТИШКА ҚАЛЕЙСАН?»

Туркиядан келтирилган умумий дафтарларда асосан артистлар — Ҳолливуд юлдузлари ва ўзимизнинг эстрада қўшиқчиларимизнинг суратлари босилган. Туркияда тайёрланган ана шундай умумий дафтарлардан бирининг муқовасида қўшиқчи ва актриса Britni Spirs сурати босилганки, уни ўқувчилар одам анатомияси дарсида кўргазмали қўлланма сифатида фойдаланишса ҳам бўлади.

2-бет

## 11 СЕНТЯБРЬ: У ҲАЛИ КЎП ЭСЛАНАДИ

Профессор Жонс ва унинг ҳаммаслаклари фикрича, Америка маъмуриятидаги неоконсерваторлар гуруҳи терактлар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлган ва миноралар портлашига йўл қўйиб беришга Марказий разведка бошқармасини кўндирган. Мақсад эса қўпорувчилик ҳаракатларидан кейин саросимага тушиб қолган аҳолининг Яқин Шарқдаги ҳарбий ҳаракатларни осонлик билан қўллаб-қувватлашига эришиш бўлган.

3-бет

## ЙИРТИҚ ЮПҚА

*Нима, улим, бу шаҳарда игна минан жип жўқма?*
*Йиртиқ кийим кўрган кулмас, кўнгил шунга ё тўқма?*

*Бундайларга дуч келсам-ей, дилим андак ғашланар,*
*Оқшомлари жиртиқ жойдан чақмайдими пашшалар?*

4-бет


O'zingni anglab yet!

Mustaqil gazeta

# HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan   Chorshanba kunlari chiqadi   E-mail: hurriyat@mail.ru   № 37 (499)   2006-yil 13-sentabr



**www.hurriyat.uz**

**Энди газетада эълон қилинган энг сара танқидий-таҳлилий мақолалар, журналист текширувлари, халқаро шарҳлар, машҳурлар билан суҳбатлар, қисқаси, Сизга маъқул ва манзур бўладиган материалларни газетамизнинг халқаро компьютер тармоғидаги www.hurriyat.uz сайтида ўқишингиз мумкин. Шунингдек, тадбиркор ва ишбилармонлар учун ўз реклама ва эълонларини «Hurriyat» веб-саҳифасига жойлаш имкони мавжуд.**


Эссе

# СИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ВАТАН





Минғир-минғирларингиз жонимга тегди.

Ҳиқилдоғимга келди майда-чуйда гапларингиз.

Совуқ сувдек кўнглимга урди, пичир-пичирларингиз...

Бунақада қандай яшаб, қандай умргузаронлик қиласиз, биродар?

... Шудринглар қамишу жўхорипояларида ҳар тонг инжудек тизилади. Шамаклар барги ҳам ҳар тонг шудринглар салмоғидан силкиниб-силкиниб кетади. Ҳар тонг қуёш шунақаям қизариб чиқадики, асти қўяверасиз.

Зовур четларига боринг. Канал бўйларидаги шафақранг янтоқларни кўринг. Улар гуллади. Улар олов бўлиб ёнмоқда. Энди ўрса бўлади. Уларни ғамласа бўлади. Уларни уйга олиб бориб, ғарам қилиб қўйса бўлади. Кеч кузу қиш ойларида ёмғиру қордан ҳам майин тортиб, ҳам қорайиб улгурган ана шу янтоқлар тўёғидан учқунлар сачрайдиган тойлару отларга хушхўр емиш бўлади.

Энди тонг кезлари тупроқлар чангимайди. Дала йўлидаги тупроқлар ҳар кеч энди тўзимайди. Негаки қулоғимизга сунбуланинг қадам товушлари эшитиляпти. Қайлардандир қўйлагининг этагини шилдиратиб кузнинг қўлидан тутганча сунбула тушиб келяпти.

... Канал бўйида бир болакай ўтирибди. Кўзлари сув юзида ўйнаб турган пўкакда. Ажриқ устидаги латта халтада яримта нону акалари ўқийвериб титилиб кетган "Алифбо" китоби. Пўкак "лип-лип" этади-ю, сувнинг остига шўнғийди. Болакай қийқириб юборади. Сув юзида кумуш бўлагига ўхшаш нимадир ялтиллаб кетади. Болакайнинг кўкраги энтикади. Шу пайт йўлдан эшагига икки боғлам қамиш ортиб олган мўйсафид ўтиб қолади. Зоғора балиқ бир қарич ё келади, ё келмайди. Болакай мўйсафидга овининг узунлигини аввал бир қулочини ёзиб, кейин эса иккала қулочини ёзиб мақтана бошлайди. Мўйсафид кулади. Мўйсафид боланинг ҳаяжонини тушунгандек бўлади. Кўз қири билан балиққа бир назар ташлайди-да, анча олислаб кетган эшаги ортидан юради. Мўйсафиднинг жилмайишида маъно бор. Ўзи ҳам бола бўлган. Ўзи ҳам мақтанган.

Ўзим айланиб кетай бир қаричлик балиқни наҳ наҳанг деб мақтанган мана шу қоракўз болакайдан. Ўзим суюниб юрай унинг мақтанишларидан.

... Салқин шамоллар эсар-эсмас қалдирғочлар иккинчи маротаба бола очиб чиқишди. Болалари темирқанот бўлишди. Темирқанот бўлган полапонлар парвоз яқинлигини сезиб тузуккина безовталанишди. Тўрт-беш қалдирғоч дўппидек уяда омонат бўлиб турган полапонларга "учинглар, уча қолинглар..." дегандек, улар яқинида тинимсиз чарх ура бошлашди. Ниҳоят, бир қалдирғоч боласи панжалари билан уя четига тирмашиб қанотларини "пир-пир"латдию пастга шўнғиди. Ҳаво унга парёстиқ бўлди. Қалдирғоч боласи дарвозахонани икки-уч айлангач, очиқ турган деразанинг тахтасига қўнди. Кечга томон қолган учта шериги ҳам парвоз нашидасидан татиб кўрди.

Кечагина бир жуфт қалдирғоч боғлар қўйнига бетиним шўнғирди. Бир жуфт қалдирғоч ҳаловатдан бенасиб яшарди. Бир жуфт қалдирғоч топганини тумшуғида келтириб жужуқларига тутарди. Улар энди олтита бўлиб ҳар тонг вижир-вижир қилишарди. Улар энди олтовлон бўлиб боғлар қўйнига шўнғиб кетишди.

Сунбуланинг шитирлаган қўйлаги ҳадемай кўзга ташланади. Мана шундай паллаларда боққа кириб жимгина ўтириш керак. Жимгина қашқабедалар устига чўзилиш керак. "Тап" этиб елкангизга олма келиб урилади. Лабингиз зийига табассум инади. Ягона ва бебаҳо умр ҳақида ўйлай бошлайсиз.

... Ухлагинг келмайди тонгларда. Тонгларда ҳавони қаймоқдай симиргинг келади. Пашшахоналар ҳовлида оқариб кўринади. Пашшахоналар чорбоғлар ичида бўзариб кўринади. Пашшахоналар ичида болалар айқаш-уйқаш бўлиб ётишади. Тамшаниб ётишади. Тушларида дул-дул отларни кўришади. Юзларини қуёш бобонинг ҳалимдек юмшоқ қўллари силаб-сийпашини кутиб ётишади.

Буларни илғамоқ керакдир, биродар! Кўнгилдан ўтказмоқ керакдир...

Менга чит кўйлак кийган аёллар ёқади. Бу аёллар ҳар тонг қалдирғочлар билан бирга уйғонишади. Қалдирғочлар билан ташвишлари ҳам ўхшаш бўлишади. Бузоқлар маърайди. Сигирлар елинидан тизиллаб отилаётган сутлар сирли челакларни ноғора қилиб чалади. Қаймоғу қирмочлар алоҳида косаларга солинади. Алоҳида косалардаги сутларга патир нонлар ушатилади. Энди оёқларини бир-бирларининг қорнига, елкасига қўйиб ухлаётган болакайларни уйғотса бўлади. Хархаша бошланади. Гиналар ёдга тушади. Ювилган ва ювилмаган юзларда тузуккина сергаклик пайдо бўлади. Оғизларнинг зийидан дастурхонга сутлар томади. Чит кўйлак кийган аёллар уйқучи болаларини койиб-койиб қўйишади. Койишларида эркалашнинг иси бўлади. Косалар четга сурилади. Қўллар хипчинга югуради. Қозиқдаги говмишу тарғиллар бир томони андак чўккан эшигу дарвозалардан чиқиб каналу ариқ бўйларига йўл олади. Бузоғини кўзи қиймай дамбадам ҳовлига қайтмоқчи бўлган сигирларининг яғринига болакайлар "ширт-ширт" эткизиб, хипчин уришади.

Мен сизга болакайлар эрталаб уйқудан кулиб-қувнаб туришади, деб айтишим мумкин эди. Улар қўлларини ироқи совунларга ювишади, дея ёзишим мумкин эди. Бундай десам, ёлғон гапирган бўламан.

Биламан, сиз менинг гапларимни унчалик илғамайсиз. Илғаш учун, назаримда, ҳиссиёт керак. Минғирлашдан чарчамайсиз. Хурсанд бўлганингизни кўрмадим. Ризо бўлиб кун ўтказганингизни сезмадим. Гоҳ сиёсатдан, гоҳ иқтисодиётдан сўз очасиз. Кир қидирасиз. Доғ кўрсангиз, тилла ёмби топгандек хушҳол сўз очасиз.

Сиз ҳеч қачон қўшнининг боғига ўғриликка кирганмисиз? Айтайлик, ўзингизга қарашли боғларга гилослар шохларда тизилиб турибди. Ёки ўриклар, олмалар шохларини синдираман дейди. Болалигимизда боғларимиз ана шундай эди. Бизлар эса ўзимизнинг ларзон-ларзон шафтолиларни эмас, қўшнимизнинг ғўрасини асал деб билардик. Писиниб, яшириниб ўғрилик қилишни гашт деб ҳисоблардик.

Ўғри бўлиб кетмадик биз. Муттаҳамлик сўқмоқларидан насиба қидирмадик. Болалигимиз сиқиқ бармоқлар орасида тўкилган қумдек бизларни ташлаб кетди. Бироқ кўнгилда нимадир қолди. Юракда нимадир улғайди. Нимадир юракка чиппа ўрнашди. Нимадир кўнглимиз лабига сув тутди.

Ўша нимадир шариллаб ёққан ёмғирлардан хурсанд бўлишга ундади. Мусичанинг учтўртта хас устига омонат қурган уясидан тухумлари тушиб кетмаслигини яратгандан илтижо қилиб яшадик. Эсимизни таниганда ҳам саратон тупроғида товонимизни куйдириб юриш ҳавасга айланди. Кейин билсак, буларнинг бари бир бўлиб, жўра бўлиб, ҳамфикр бўлиб юрт деган тушунчаларни юрагимиз тўрига жойлашга улгурган экан.

... Сезяпсизми, сиз қанчалик майда-чуйда ғийбатларга зўр берсангиз ҳам, сиз билан суҳбатлашишга рағбат бор менда. Ёруғлик ҳақида сўзлаб бергим келади. Ойдин нарсалар тўғрисида ҳикоя қилгим келади. Сўзларимдан, ҳикояларимдан озроқ бўлса ҳам сизга-да нимадир юқишини умид қиламан...

Сезаётган бўлсангиз, мен пурвиқор тоғлар, улкан дарёлар, сийратию сувратидан ақл шошадиган шаҳарлар, қурилишлар, йўллар ҳақида гапирмаяпман. Аслида булар бор нарсалар. Аслида юртда улкан кўтарилиш палласи бошланди. Баъзан биз истиқлол дея аталувчи, гоҳо эрк дея таъриф бериладиган буюк ўзгаришлар одамларнинг кўзини очди. Кўзига қувонч улашди. Ўша қувонч одамларнинг қўлини бўшатди. Одамларни ғайрат отига ўнглаб ўтқазди.

Бироқ мен бир қарашда кўпам кўзга илинмайдиган, гоҳо эса назардан четдан қоладиган, қизғин суҳбатларга мавзу ҳам бўлолмайдиган нарсалар тўғрисида сўзлашни яхши кўряпман.

... Саратонда хушбўй ҳид таратган шувоққа ҳам ўроқ тушди. Унинг ҳидини биласизми? Бирам ёқимлики... Гоҳо ундан буғдой қовурмочнинг иси келади.

Бундай бўлади. Яъни қишлоқда яшовчи аёллару келинчаклар ана шу шувоқдан супурги ясашни хуш кўришади. Ўрилган шувоқ барги тўкилиб кетмаслиги учун соя-салқинда яхшилаб қуритилади. Кейин икки жойидан сим билан маҳкам боғланади. Куздир, қишдир, эрта кўкламдир шувоқ билан супурилган ҳовлида юриш роҳатга айланади. Шувоқ билан супурилган ҳовлида жаннат ифорлари кезиниб юради. Кўнглингиз яйраб кетади. Ўзингизни арши аълода сезасиз...

Юракка юрт ҳақидаги туйғуларни шувоқлар етаклаб келади. Тонглар етаклаб келади. Оқ ёмғирлар, терак учида ҳалинчак учаётган оймомолар, кўкламдаги тупроқ иси, ўтлардан таралган муаттар бўйлар, қишлоқнинг четидан ўтган канал, дарёдаги қамишларнинг чайқалишлари бошлаб келади. Бу тупроқсиз, бу заминсиз ўлиб қолишинг аниқдек туюлади баъзан.

***(Давоми 2-бетда).***

Тадбир

***БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Унни бойитиш Миллий дастури доирасида журналистлар учун семинар ўтказди. Икки кунлик тадбир давомида вилоятлар ва пойтахтда фаолият юритаётган 50 нафар журналист Унни бойитиш Миллий дастури ҳамда микроэлементлар танқислиги муаммоларини ёритиш борасида билим ва малака ошириш имконига эга бўлишди.***

# «СОҒЛОМ МАҲСУЛОТЛАР»

**Ёрликдаги мазкур белги уннинг бойитилганини аниқлашда ёрдам беради**

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизга яқини анемия, халқ тили билан айтганда, камқонлик касаллигидан азият чекмоқда. Дунё миқёсида эса 2 миллиарддан зиёд одам қон таркибида гемоглабин моддаси етишмаслиги билан характерланувчи мазкур дардга чалинган. Асосан темир ва витаминлар танқислиги туфайли юзага келадиган ушбу касалликни бартараф этиш мақсадида мамлакатимизда унни бойитиш дастури амалга оширилмоқда. Семинарда иштирок этган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Риза Хоссаиний жаҳон миқёсида жиддий муаммо бўлиб қолаётган касалликнинг тарқалиши олдини олишда ОАВ ходимлари ўрни катта эканини таъкидладилар.



Сўнгги пайтларда Унни бойитиш Миллий дастури доирасида «Бойитилган уннинг нони — саломатлик гарови» шиори остида оммавий ахборот воситаларида жуда кўп материаллар эълон қилинмоқда. Бироқ очиғини айтганда, бироз тиббий, яна бироз иқтисодий билим талаб этадиган унни бойитиш жараёни, зарурати хусусида журналистларнинг ҳам маълумоти у қадар тўлиқ эмас эди. Ҳам назарий, ҳам амалий машғулотлардан ташкил топган семинар давомида ОАВ ходимлари мазкур мавзудаги билимларини чуқурлаштириб, кўплаб саволларга батафсил жавоб олдилар.

Тадбир доирасида иштирокчилар «Ғалла-Алтег» корхонасида бўлишди ва унни темир, фолий кислотаси, рух ҳамда зарур витаминлар билан бойитиш жараёнини бевосита кузатишди. Республика Гемотология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтида эса ОАВ ходимлари анемия билан касалланган беморлар билан суҳбатлашишди. Тадбир қатнашчилари, шунингдек, «Донмаҳсулотлари» илмий-ишлаб чиқариш маркази, «Боғистон-нон» муассасаси ҳамда «Кардинал-трейдинг» хусусий тегирмонида бўлишди ва бойитилган ун сифатини текшириш, нон пишириш жараёни билан танишишди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда унни бойитиш 5 йилдан зиёд вақт давомида амалга ошириб келиняпти. 2001-2003 йилларда Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликда JFPR 9005 лойиҳаси асосида юртимиздаги 14 та ун ишлаб чиқариш корхоналари унни витамин ва минераллар билан бойитувчи дозаторлар билан жиҳозланди. 2003 йили ҳукуматимиз томонидан Унни бойитиш бўйича Миллий дастур қабул қилинди. 2004 йили эса Ўзбекистон Овқатланишни яхшилаш бўйича Глобал Альянс (Global Alliance for Improved Nutrition)нинг 2,8 миллион долларлик грантини қўлга киритди. Ана шу лойиҳа доирасида мамлакатимизда унни бойитиш дастури амалга татбиқ этилмоқда. Бунга кўра, жорий йилнинг ноябрига қадар республикамизнинг барча вилоятларида бойитилган ун ишлаб чиқаришга эришилади.

Камқонлик — анемия касаллиги хусусий даражадан аллақачон умуммиллий даражага чиқиб улгурган. Мазкур офат кўрсаткичларини камайтириш фақатгина тиббиёт мутахассисларининг эмас, касби ва фаолият соҳасидан қатъи назар барча юртдошларимизнинг вазифасидир. Ушбу вазифа сизу бизга ортиқча оғир масъулият юкламайди. Бунинг учун ун ва нон харид қилаётганда, уннинг бойитилганини суриштириш ва имкон қадар темир ва бошқа витаминлар билан тўйинтирилган маҳсулот истеъмол қилиш талаб этилади, холос.

Алоҳида эслатиб қўйишни истардикки, ҳозирги кунда халқимиз энг кўп истеъмол қиладиган 1-навли ун темир ва витаминлар билан бойитилмоқда. Маҳсулот ёрлиғидаги «Соғлом маҳсулотлар» деган белги Сизга уннинг бойитилганини аниқлашда ёрдам беради. Демак, харид пайтида маҳсулот ёрлиғига эътибор беришни унутманг.

**МУХБИРИМИЗ**

Сана

# КУРАШ ҲАҚИДА ҲАЯЖОНСИЗ ЁЗИБ БЎЛМАЙДИ...

«Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Сафар Остоновнинг журналистлар номидан "Кураш" халқаро ассоциациясининг 8 йиллигига бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида айтган шу сўзларини бежизга сарлавҳага чиқармадик.



Дунё спорт оиласига ўзбек кураши тўлақонли аъзо бўлиб кирди. Албатта, ҳамма иш сип-силлиқ битган эмас. Камчиликлар, етишмовчиликлар ва бунга ўхшаш, э-ҳе, қанча майда-чуйдалар, муаммолар бўлмаган дейсиз. Аммо давлат раҳбарининг ўзи курашни қўллаб-қувватлаб, унга ҳомийлик қилиб турган бир пайтда, бунинг устига жонфидо инсонлар бир жойга жамулжам бўлганда, тоғниям ўрнидан қўзғатиб юбориш ҳеч гап эмас экан. Бугунга келиб дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатида кураш федерациялари фаолият кўрсатишининг ўзи тарихан қисқагина давр ичида ўзбекнинг миллий курашини жаҳон эътироф этаётганидан далолатдир. Демак, дунё Ўзбекистонни нафақат мустақил давлат, Шарқнинг машъали сифатида, балки жаҳонга энг ҳалол ва мардлар спортини тақдим қилган давлат сифатида таниди.

Ўтган давр ичида ўнлаб халқаро спорт мусобақалари ташкил этилди. Мағрибу машриқда гиламга ўзбекнинг байроғига мос рангларидаги спорт кийимларида, белига белбоғ таққан не-не полвонлар гиламга тушмади дейсиз. Ҳакамлар эса ўзбекона "ҳалол", "чала", "ёнбош" атамаларини тилимизда сўзлади, сўзлаяпти. Арабу ажам барча полвонлар қўлини кўксига қўйиб саломлашмоқда. Курашимиз шунчалик ҳалол ва софки, рақиб курагни ерга тегдими бўлди, давомига баъзи бир спорт турларидаги каби эзғилаш, бўғиш каби ортиқча юк йўқ. Мардмисан, кучингга ишонасинми ўзбекча курашиб кўр экан-да, демоқда унчамунча полвон.

Анжуманда сўз олганлар кураш тўғрисида илиқ гапларни айтишди. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, Ўзбекистон Кураш Миллий федерацияси президенти Аблулла Орипов ҳеч бир муболағасиз: "Ҳар бир ўзбекнинг қонида курашга муҳаббат, ғурур ва ор оқади. Бас шундай экан, курашни дунё саҳнидан ўрин эгаллаши ҳар биримизнинг ифтихоримиздир. Мардлик, тантилик миллатимизга хос фазилатлардан. Айнан шу фазилатларимиз миллий спортимизда ҳам аксини топган. Демак, дунё бизни энг мард ва танти зотлар сифатида билади. Бундай катта эътирофга ҳар ким ҳам сазовор бўлавермайди. Миллатнинг миллатлиги унинг маданияти, тарихи, санъати каби унсурларга ҳам боғлиқ. Биз беҳад бой маданият ва тарих, бетакрор санъат ҳамда бугун ҳеч кимникига ўхшамайдиган миллий спортимиз борлигини ҳам намоён эта олдик", деб барчанинг кўнглидаги гапни айтди.

Ҳали айтганимиз, тарихан қисқагина саккиз йил ичида Мағрибу Машриқ ўзбек курашига онқадар қизиқиш кўрсатганига исбот Осиё, Африка ва Пан-Америка Олимпия ҳаракатлари раҳбарлари кураш конфедерацияларининг фахрий президентлари этиб сайланганидир. Юртимиздан минглаб чақирим узоқда, уммону денгизлар ортида бошқа халқу элатларнинг миллий курашимиз билан шуғулланаётгани, мусобақалар ташкил қилаётганини эшитган ҳар бир ўзбек ғурурланмаслиги мумкин эмас. Юртимиздаги кураш фидойилари ўзлари каби тоза ва пок ниятли инсонларни топа олгани, уларга ўзбек курашининг кишини лол қилгувчи фалсафаси, унинг гўзал ва нозик қирраларини очиб бера олгани боис, бугун дунё бўйлаб курашга қизиқиш кучайгандан кучайяпти. Қарангки, курашни Жазоирда ўтадиган Африка ва Афро-Осиё ўйинлари ҳамда 2007 йил Бразилияда ўтажак Пан-Америка ўйинларига киритиш бўйича жиддий музокаралар, мулоқотлар олиб борилаётган экан.

Бундан бир муддат олдин, Ҳиндистон элчиси журналистлар билан ўтказган мулоқотида ҳинд болаларининг ўзбек кураши билан шуғулланаётгани, махсус тўгараклар ва мактабларда жисмоний тарбия дарсларига кураш асос қилинаётганини гапиргани ёдимизда. Ўшанда элчи жаноблари Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари, бобокалон Мирзо Бобур, уларнинг авлодлари орқали курашнинг ҳинд заминига кириб келганини сидқидилдан эътироф ҳам этган эди. Яна бир гап: ўттиз йилнинг нари-бериси тинчлик нелигини билмай келаётган афғон халқи шу йилнинг 31 август — 1 сентябрь кунлари Ўзбек миллий кураши бўйича бешинчи Осиё чемпионатини ўтказди. Мусобақаларни ташкил этиш, уни ўтказиш жараёнида иштирок этиб келган бир-икки ҳамкасбимиз афғон халқининг бундайин байрамлардан мосуво бўлиб келгани, урушлардан тинка-мадори қуриган халқнинг бундайин катта тантанани кўзларида шашқатор ёш билан, узоқ вақтли олқиш билан кутиб олганини тўлқинланиб сўзлади.

Шунда беихтиёр, бу кўҳна дунё не-не синоатларни кўрмади, урушлар, жангу жадаллар. Ҳали у юртда талатўп, ҳали бу ўлкада нотинчлик. Шуларни ўйлар экансан, беихтиёр тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон юртимизнинг Яратган ярлақаган муқаддас замин эканига имон келтирасан, деган хаёл ўтди. Эл-улус тинч, юрт обод. Фаровон турмуш сари қўйилаётган ҳар бир қадам пухта ва пишиқ ўйланиб, халқ манфаати учун қўйилаётганини англайсан. Шукрона айтасан. Тўй-ҳашамлар, байрамлар тинчлик барқарор юртгагина ярашади. Азалдан ўзбекнинг тўйида кураш бўлган. Билагида кучи, белида қуввати бўлган йигит борки тўйда бир марта бўлсин гиламга тушиб "ҳалол" деган хитобни эшитган. Танти ва мард халқнинг кураши ҳам ҳалолда, асли...

**Алижон ЭШБОЙ,**
**Темир СУЛТОН**





***Абдурасул ҲАКИМОВ чизган сурат***

Воқеа





Қаршингизда юзини ҳуснбузар қоплаган бирорта йигит билан қиз ўтириб олади-да, лабларини босиб, тишидаги пломбасини суғуриб олмагунича сўришиб кетаверади.

Даҳшат! Уларга қараб туриб, бутун умрга пуштинг куйиб кетса ҳам, ажабаланадиган жойи йўқ. Улар одамгарчиликдан шунчалар йироқки, доришунос бўлганимда бунақа йигит-қизни қуритиб, талқон қилиб туйиб, ҳомилага қарши дори сифатида фойдаланишга тавсия этардим.

Атрофдагилар уларнинг бу хунук қилиқларини кўра-била туриб, ўзларини кўрмасликка олишади. Кар ёки кўр одамдай ҳеч ким миқ этмайди. Шу топда уларнинг мушугини пишт дейдиган бирор мард одам топилмайди, гўё бу одатий ҳолдай. Мен эса бунга чидай олмадим. Жаҳлим чиқиб, жиним қўзиди ва уларни тартибга чақирдим:

— Жамоат жойида, шунча одам орасида бу қанақа қилиқ? Уят эмасми? Бундай қилиқни қаердан ўргандинглар? Одамларга ўхшаб тўғри ўтирсанглар бўлмайдими?

Вагондаги ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг ҳеч қандай иши йўқдай, яна ҳеч ким миқ этмади.

Фақат бир милиция ходими келиб, мени навбатдаги бекатда поезддан туширди ва ташқарига олиб чиқиб қўйгач, деди:

— Сиздек кекса одамга метрода юриш ярашмайди. Яхшиси, таксида кетинг!..

Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, деганларидек, бор чақаларимни жамлаб зўрға сотиб олган "жетон"им бекор кетганига жуда-жуда ачиндим. Роса алам қилди. Чўнтагимда хемири йўғу таксида кетишга бало борми? Жаҳлим чиққан ҳолда шаҳд билан пиёда уйга жўнадим. Нима ҳам дердим, айб ўзимда, тилимни тийганимда-ку, бу кўргулик йўқ эди. Ривоят қилишларича, бир хонадонда бир киши уч кун меҳмон бўлиб, сафари қариб кетишга мезмондан рухсат сўрабди. Шунда мезбон: "Яна бир кун қолинг!" — дебди-ю, ўйлаб қараса, уйида ҳеч ваҳоси қолмаган...

Меҳмон эса: "Қўймадингиз, қўймадингиз-да, майли, қолсам қолавераман-да, бир кун минг кун бўлармиди? Отимни қаерга боғлай?" — деса, мезбон: "Тилимга боғланг, тилимга!" деган экан. "Тил югуриги бошга" деганлари шудирда!..

**Ҳусанбой ТОЖИМАТОВ**

